MADAD
MUASSASA SHAKLIDAGI NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTI

British Embassy
Tashkent

# КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

## ҚЎЛЛАНМА

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2025

**УЎК 347-053.9(035)**
**КБК 67.404**
**Т 73**

**Кекса авлод вакилларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича қўлланма.** Муаллифлар: Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов. “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти. – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил. – 96 бет.

ISBN 978-9910-8176-7-0

**Тақризчилар:**
**А. Мусаев,** “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази директори
**У. Хакимов,** “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори ўринбосари

*“Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти ижрочи директори Ш. Саидовнинг умумий таҳрири остида*

Ушбу қўлланмада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, хусусан, кекса ёшдаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича миллий қонунчилигимизда белгиланган тартиб-тамойиллар ва уларга берилган имтиёзларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоб тарзида ёритилган.

“Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг масъул ходимлари томонидан тайёрланган мазкур қўлланма кекса авлод вакиллари, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга масъул соҳалар мутахассислари ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

*Ушбу қўлланма Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида чоп этилди*

© Қ. Тоғаев, Ш. Мажидов, “Мадад” – муассаса шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти.
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2025 йил

# МУНДАРИЖА

**Кириш** ....................................................................................4

**I боб.** Асосий тушунчалар....................................................................7

**II боб.** Кекса ёшдаги шахсларни ҳимоя қилиш
бўйича конституциявий кафолатлар .....................................11

**III боб.** Кекса ёшдаги шахсларни ижтимоий ҳимоя
қилиш ва уларга берилган имтиёзлар ..................................15

**IV боб.** Кекса ёшдаги шахсларга давлат томонидан
тиббий ёрдам кўрсатиш кафолатлари ..................................57

**V боб.** Кекса ёшдаги шахсларга давлат хизматлари
кўрсатиш бўйича имтиёзлар ..................................................65

**VI боб.** Кекса ёшдаги шахсларни жиноий ва маъмурий
жазога тортишда ва улар жазони ўташида
қўлланадиган имтиёзлар.........................................................69

**VII боб.** Фойдали маълумотлар .........................................................73

# КИРИШ

Мамлакатимизда кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечиришларини таъминлаш, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда ҳамда боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгалиги, шунингдек меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, мамлакатимизда соҳага оид 20 та қонунчилик ҳужжати, шу жумладан “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармон ва қарорлари қабул қилинди, шунингдек 15 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Буларнинг барчаси кекса авлод вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат бўлиб, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ва ўзгалар кўмагига муҳтож кекса кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини тиклаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш, бунинг учун муносиб шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ушбу қўлланмада аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари, хусусан, кекса ёшдаги шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва уларнинг мазмун-моҳияти савол-жавоблар шаклида, равон тилда ва тушунарли услубда ёритилган.

Мазкур китоб кекса ёшдаги шахслар, уларнинг оила аъзолари ҳамда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга масъул соҳалар мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари учун ишончли ахборот манбаи сифатида хизмат қилади.

Қўлланма орқали аҳолининг кекса авлод вакиллари ўзларига берилган имтиёзлар ва яратилган имкониятлар ҳақида етарлича маълумотлар олиш билан бирга, зарур ҳуқуқий билимларга эга бўладилар.





# I боб. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

***1-савол: Кекса ёшдаги шахслар деганда кимлар тушунилади?***



**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликка мувофиқ кекса шахслар деганда – ёшга доир пенсия олиш ёшига етган, яъни 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар тушунилади.

***2-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар деганда кимлар назарда тутилади?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар – бу фарзандлари (шу жумладан фарзандликка олинганлар), эри (хотини), ота-онаси, ҳомийлари ва суд томонидан кексани парвариш қилиш мажбурияти юклатилган шахслари бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар тушунилади*.

***3-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар деганда кимларни тушунамиз?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар деганда ёлғиз яшовчи ёки жазони ижро этиш муассасаларида ёхуд узоқ муддат даволанишда бўлган шахслар билан бирга яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож ёшга доир пенсия ёшидаги шахслар тушунилади**.

---

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 123-сон қарори (11.03.2024 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/6834968

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 123-сон қарори (11.03.2024 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/uz/docs/6834968

***4-савол: Ёлғиз пенсионерлар деганда кимлар тушунилади?***



**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 436-моддасига кўра, ёлғиз пенсионерлар деганда ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногиронлиги бўлган боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади*.

* Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902



# II боб. КЕКСА ЁШДАГИ ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАР




O‘zbekiston
Respublikasi
KONSTITUTSIYASI

***5-савол: Бош қомусимизда кекса ёшдаги шахсларни ҳимоя қилиш юзасидан қандай конституциявий кафолатлар тақдим этилган?***

**Жавоб:** Конституциянинг 57-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир*.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизнинг 46-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.



* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (30.04.2023 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6445145



# III боб. КЕКСА ЁШДАГИ ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАР



***6-савол: Кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?***



**Жавоб:** “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва ҳисобга олиш;
- уларнинг оила ва жамият билан алоқаларини мустаҳкамлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш;
- давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматлар стандартларига риоя этилишини таъминлаш;
- ижтимоий шерикликни ривожлантириш*.

***7-савол: Кекса шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар деганда нима тушунилади?***



**Жавоб:** “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ижтимоий хизматлар шахснинг турмуш сифатини оширишга, унга жамият ҳаётида иштирок этиш учун бошқалар билан тенг бўлган имкониятлар яра-

* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

тишга ва (ёки) ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган хизматларга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий, психологик ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир*.

***8-савол: Аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари сирасига кимлар киритилади?***



**Жавоб:** Белгиланган тартибда ижтимоий хизматларга муҳтож деб топилган шахслар:

- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;
- ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига киритилади**.

***9-савол: Кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари нималардан иборат?***

**Жавоб:** Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади,

* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

** “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192



ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

- ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлайди ва ҳисобини юритади;
- ижтимоий хизматларга муҳтож шахслар қабулини амалга оширади, уларнинг аризалари, таклифлари ва шикоятларини кўриб чиқади, зарур ахборот ва маълумотномаларни тақдим этади;
- ижтимоий хизматлар соҳасидаги тегишли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- ижтимоий хизматлар соҳасидаги бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади*.

***10-савол: Ижтимоий хизматлар кўрсатишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам иштирок этадими?***




**Жавоб:** Албатта, нодавлат нотижорат ташкилотлари кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида қуйидаги ваколатларга эга:

- ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;
- ижтимоий хизматларга муҳтож шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатишда кўмаклашиш;
- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар ўтказиш;

---

* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

- ижтимоий хизматлар соҳасидаги тегишли органлар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат ижтимоий буюртмаларини, субсидияларини, грантларини олиш;
- давлат харидлари, корпоратив харидлар ва бошқа харидлар бўйича тендерларда (танловларда) ва биржа савдоларида иштирок этиш;
- тадбиркорлик субъектлари билан ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хизматлар соҳасида бошқа ишларни бажариш ёки лойиҳаларни амалга ошириш учун шартномалар тузиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин*.

***11-савол: Кексаларга ижтимоий хизматлар қандай шаклларда кўрсатилади?***



**Жавоб:** Кексаларга қуйидаги шаклларда ижтимоий хизматлар кўрсатилади:

- ижтимоий кузатув ва маслаҳат бериш орқали;
- уйда парваришлаш бўйича ижтимоий хизматлар;
- кундузи ва (ёки) қисқа муддатли ижтимоий хизматлар;
- интернат муассасаларида кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар**.

* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

** “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

## *12-савол: Ижтимоий хизматларга муҳтож кекса шахслар қандай тартибда аниқланади?*

**Жавоб:** Ижтимоий хизматларга муҳтож кекса шахслар қуйидаги усуллар орқали аниқланади:

- ижтимоий хизматларга муҳтож шахс ўзи мурожаат этганда;
- уйма-уй юриш чоғида;
- жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот асосида*.



* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

***13-савол: Ижтимоий хизматларни кўрсатиш соҳасида норози бўлган кексалар қаерга мурожаат қилиши мумкин?***



**Жавоб:** Ижтимоий хизматлар соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади. Бунда норози бўлган кексалар ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга*.

***14-савол: Кекса ёшдаги шахсларни ўзгалар парваришига муҳтож ёки ёлғиз кекса деб топиш ким томонидан амалга оширилади?***




**Жавоб:** Кекса ёшдаги шахсларни ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса деб эътироф этиш, бундай тоифадаги шахслар рўйхатига киритиш жойлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг қарори асосида амалга оширилади**.

***15-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги шахсларга қайси янги турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади?***

**Жавоб:** 2025 йил 1 июндан бошлаб, ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахслар, шу жумладан кексалар учун қуйидаги турларда янги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган:

- уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати;

---

* “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–415-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/3083192

** “Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6636282



- уй шароитида қараб туриш хизмати;
- тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати;
- кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати[*].

***16-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар янги ижтимоий хизматлардан қандай фойдаланиши мумкин?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахслар, шу жумладан кексалар “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида белгиланган ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун уларга ваучер берилади. Бунда ижтимоий хизматлардан фойдаланиш истагида бўлган шахс ёки унинг вакили “Инсон” марказига ўзи келган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиши лозим бўлади[**].

***17-савол: Уй шароитида ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматидан қайси янги тоифадаги шахслар фойдаланиши мумкин?***



**Жавоб:** Уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизматидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар реестрига киритилган ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПҚ–171-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/7516927

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 116 баллгача бўлган кекса шахслар фойдаланиши мумкин[*].

***18-савол: Уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати таркибига қандай ижтимоий хизматлар киради?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож вояга етган шахслар, шу жумладан кексаларга уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати таркибига қуйидагилар киради:

- маиший юмушларда кўмаклашиш (овқат тайёрлаш, супуриш-йиғиштириш, кийим-кечакларни ювиш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини уйга етказиб бериш);
- гигиена тадбирларини амалга ошириш;
- тиббиёт ва спорт муассасаларига ҳамроҳлик қилиб бориш;
- тьюторлик (шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш, гаджетлардан мустақил фойдаланишга, шу жумладан, электрон китоблар ва қонунчилик ҳужжатлари билан танишиш, онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш ва бошқаларга ўргатиш).
- уларнинг йўқотилган функционал имкониятлари ва ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш;
- жисмоний фаоллик йўқотилиши билан ривожланиш хавфи юқори бўлган асоратли касалланиш ҳолатларининг олдини олиш ва оила аъзоларини парвариш кўникмаларига ўргатиш.

Шифокор томонидан қўшимча реабилитация тадбирлари белгилаш орқали ёрдам кўрсатиш[**].

---

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

***19-савол: Уй шароитида ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш хизмати қандай доирада амалга оширилади?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексаларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлик даражасига қараб, улар тўплаган балларни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий хизматлар қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

- 0 баллдан 53 баллгача бўлса – ҳафтада 4 марта 3 соатдан;
- 54 баллдан 62 баллгача бўлса – ҳафтада 3 марта 2 соатдан;
- 63 баллдан 87 баллгача бўлса – ҳафтада 2 марта 2,5 соатдан;
- 88 баллдан 116 баллгача бўлса – ҳафтада 1 марта 2 соатдан этиб белгиланади*.

***20-савол: Уй шароитида қараб туриш ижтимоий хизматидан қайси тоифадаги шахслар фойдаланиши мумкин?***



**Жавоб:** Уй шароитида қараб туриш хизматидан ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 53 баллгача бўлган кекса ёшдаги қуйидаги мезонлардан бири мавжуд бўлган шахс (оила) фойдаланиши мумкин:

- камбағал оилалар реестрига киритилган шахс (оила);
- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олувчи шахс (оила).

---

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160



### *21-савол: Уй шароитида қараб туриш ижтимоий хизматини кўрсатиш муддати белгиланганми?*

**Жавоб:** Уй шароитида қараб туриш ижтимоий хизматини кўрсатиш ҳафтада 5 иш куни давомида кунига 3 соатгача бўлиши, аммо бир йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланиши мумкин*.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

***22-савол: Уй шароитида қараб туриш хизматининг таркиби нималардан иборат?***



**Жавоб:** Уй шароитида қараб туриши хизматининг таркибига қуйидаги ижтимоий хизматлар киради:

- шахсга қараб туриш (йиқилиш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш);
- шахсни парваришлаш (овқатлантириш, гигиеник тадбирларни амалга ошириш);
- шахс билан мулоқот қилиш;
- тьюторлик (шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш, гаджетлардан мустақил фойдаланишга, шу жумладан, электрон китоблар ва қонунчилик ҳужжатлари билан танишиш, онлайн давлат хизматларидан фойдаланишга ўргатиш)*.

***23-савол: Тиббий-ижтимоий реабилитация хизматидан қайси тоифадаги шахслар фойдаланиши мумкин?***



**Жавоб:** Ушбу ижтимоий хизматдан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган шахслар фойдаланиши мумкин**.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

***24-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар тиббий-ижтимоий реабилитация хизматидан қанча муддатгача фойдаланишлари мумкин?***



**Жавоб:** Ушбу ижтимоий хизматни кўрсатиш ҳажми ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган шахсларга қуйидагича белгиланади:

- ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 53 баллгача бўлган шахсга ҳафтада 3 марта 2 соатдан;
- ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 54 баллдан 62 баллгача бўлган шахсга ҳафтада 2 марта 2 соатдан;
- Камбағал оилалар реестрига киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни олувчи шахс (оила) бўлган ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача бўлган жароҳатланиш ва бош мия қон айланиши бузилиши (инсульт) ташхиси қўйилган шахсга ҳафтада 3 мартагача 1 соатдан кўрсатилиши мумкин. Бунда бир шахсга кўрсатиладиган хизмат даври 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади*.

***25-савол: Кундузги қатнов асосида қараб туриш хизматидан қайси тоифадаги шахслар фойдаланиши мумкин?***

**Жавоб:** Мазкур ижтимоий хизматдан ўзгалар парваришига муҳтожлик даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160



62 баллгача бўлган кекса ёшдаги, шунингдек камбағал оилалар реестрига киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олувчи шахс (оила) фойдаланиши мумкин*.

**_26-савол: Кундузги қатнов асосида кўрсатиладиган ёрдам таркибига қандай ижтимоий хизматлар киради?_**



**Жавоб:** Кундузги қатнов асосида хизмат кўрсатиш ишлари (хизмат) таркибига қуйидаги хизматлар киради:

- шахсга қараб туриш (йиқилиш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш);
- шахсни парваришлаш (овқатлантириш, гигиеник тадбирларни амалга ошириш);
- шахс билан мулоқот қилиш;
- шахсни ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиш;
- тьюторлик (гаджетлардан мустақил фойдаланишга, шу жумладан, электрон китоблар ва қонунчилик ҳужжатлари билан танишиш, онлайн давлат хизматларидан фойдаланишга ўргатиш);
- бир маҳал иссиқ овқат ва икки маҳал енгил овқат билан таъминлаш;
- 10 км гача бўлган масофага олиб бориш ва олиб келишда транспорт хизматини кўрсатиш киради**.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ваучер асосида янги ижтимоий хизматлардан фойдаланиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 июндаги 376-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/uz/docs/7581160



***27-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати қанча муддатгача кўрсатилиши мумкин?***

**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексаларга кундузги ижтимоий хизмат ҳафтада 5 иш куни давомида кунига 8 соатгача, бироқ бир йилдан кўп бўлмаган давр мобайнида кўрсатилади.

***28-савол: Ўзгалар парваришга муҳтож кексаларга ижтимоий ва реабилитация хизматлари қаерда кўрсатилади?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришга муҳтож кексаларга ижтимоий ва реабилитация хизматлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида кўрсатилади*.

***29-савол: Кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматлари нималардан иборат?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматларига шахсларнинг функционаллигини тиклаш, шу жумладан соғлиғидаги мавжуд нуқсонларини бартараф этиш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш орқали нормал ҳаёт кечириш имкониятини яратиш ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига қаратилган комплекс хизматлар киритилган**.

***30-савол: Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида қайси тоифадаги шахсларга хизматлар кўрсатилади?***

**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликка кўра, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида қуйидаги шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади:

1) бепул асосда ҳамда чекланмаган муддатга – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967



биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар. Агар ўз номида кўчмас мулки бўлса-да, қонунчиликка мувофиқ ўзганинг ёрдамига анча боғлиқлиги боис ўзгалар парваришига муҳтож деб эътироф этилган ёлғиз кексалар Махсус комиссиянинг қарорига мувофиқ истисно тариқасида Марказларга жойлаштирилиши мумкин.

2) шартномага мувофиқ пуллик асосда хизмат кўрсатиладиган қуйидаги шахслар:

- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлган ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар;
- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож кексалари ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам шундай хизматлар кўрсатилади*.

***31-савол: Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштиришни истисно қиладиган ҳоллар мавжудми?***



**Жавоб:** Қуйидаги тоифадаги касалликлари бўлган парваришга муҳтож кексаларни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

- беморнинг ўзи ва атрофидагилар учун хавфли бўлган мойилликнинг қўпол бузилишлари ва ахлоқий дағаллик билан бирга кечадиган руҳий касалликлари бўлса;
- фаол босқичдаги сил касаллиги;
- юқумли тери ва соч касалликлари;

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

- ўткир юқумли касалликлар;
- соматик касалликларнинг ўткир кечиш даври;
- сурункали касалликларнинг оғир ва ўта оғир (декомпенсация) даражаси;
- ёмон ҳолатда ўтадиган шиш (онкологик) касалликлари ва рецидивлари;
- таносил касалликлари*.

Юқорида назарда тутилган қарши кўрсатмалар аниқланган тақдирда,»Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ушбу шахслар тегишли тиббий муассасаларга даволаниш учун юборилади.

Агар даволаниш натижасида уларда муқаддам аниқланган қарши кўрсатмалар бартараф этилса, улар белгиланган тартибда Марказларнинг ижтимоий ва реабилитация хизматларидан фойдаланиши мумкин.

***32-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлашиши учун қаерга мурожаат қилиши лозим?***



**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар Марказга жойлашиш учун “Инсон” марказига бевосита ўзи ёхуд қонуний вакили орқали мурожаат этиши ёки Ижтимоий ҳимоя АТда электрон мурожаат қилиш учун рўйхатдан ўтиши керак**.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967



### *33-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга ижтимоий хизматлар қандай шаклларда кўрсатилади?*

**Жавоб:** қуйидаги шаклларда: Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан бир йилгача бўлган муддатда стационар ва бир ойгача бўлган муддатда кундузги қатнов шаклида Ижтимоий ҳимоя миллий Агентлиги томонидан белгиланган квоталар доирасида мазкур Марказлар жойлашган вилоят (шаҳар)да яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож кекса шахсларга;

бир йилгача бўлган муддатда мобиль шаклда Марказлар жойлашган туман (шаҳар)да ўзгалар парваришига муҳтож кекса шахсларга кўрсатилади*.

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

***34-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга қандай турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади?***



**Жавоб:** Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга ижтимоий-маиший, тиббий-ижтимоий, ижтимоий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт ва касбий реабилитация бўйича ижтимоий хизматлар кўрсатилади*.

***35-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга ижтимоий-маиший хизматлар доирасида қайси турдаги хизматлар кўрсатилади?***



**Жавоб:** Мамлакатимизда доимий яшамайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга ижтимоий-маиший хизматлар доирасида қуйидаги хизматлар пуллик ва бепул асосда кўрсатилади:

- озиқ-овқат, шу жумладан рационал ва парҳез таомлар билан таъминлаш;
- ёток жой ва кийим-кечак билан таъминлаш;
- хоналарни тозалаш (йиғиштириш);
- кийим-кечакларини ювиш;
- гигиена тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш;
- сайрга, маданий ва маърифий ҳамда спорт тадбирларига боришда ҳамроҳлик қилиш;

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. ВМҚ-316-сон. (31.05.2024 й. қабул қилинган). Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6946967

- дафн этиш тадбирларини амалга ошириш*.

Бунда ушбу ижтимоий хизматлар стационар, кундузги қатнов ва мобиль шаклда пуллик (доимий яшовчи тоифасига кирувчи ўзгалар парваришига муҳтож шахс томонидан хизматлардан кундузги қатнов ва мобиль шаклларида фойдаланишни истаганида улар бепул кўрсатилади) тарзда кўрсатилади**.

### *36-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга қандай турдаги қўшимча хизматлар кўрсатилади?*



**Жавоб:** Мамлакатимизда доимий яшайдиган, парвариш қилиниши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга тиббий-ижтимоий тарзда қуйидаги қўшимча хизматлар кўрсатилади:

- бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш;
- кафолатланган бепул тиббий хизматдан фойдаланишда кўмаклашиш;
- биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтишни ташкил этиш;
- зарур дори воситалари билан таъминлаш;
- тиклаш терапияси (физиотерапия, фитотерапия, массаж)ни амалга ошириш;
- тозалаш клизмасини бажариш;
- паллиатив ёрдам кўрсатиш;

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

- кўзойнаклар ва шунга ўхшаш оптик асбоблар, тузатувчи, ҳимоя қилувчи ёки бошқа воситалар билан таъминлаш;
- тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтишга кўмаклашиш ҳамда протез-ортопедия мосламаси ва (ёки) реабилитация қилишнинг техник воситасини олишга кўмаклашиш;
- санаторийда даволанишга кўмаклашиш*.

***37-савол: Ижтимоий-маданий хизматлар доирасида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга яна қандай турдаги хизматлар кўрсатилади?***



**Жавоб:** Мамлакатимизда доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлмаган ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга ижтимоий маданий хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган. Мазкур ижтимоий хизмат тури бўйича улар учун концертлар, томошалар, тарихий қадамжоларга ҳамда зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштириш, улар учун давра суҳбатлари, учрашувлар, тренинглар ўтказиш ҳамда байрамлар ва алоҳида муҳим саналарда ҳар хил маданий тадбирлар ташкил қилиш орқали хизматлар кўрсатилади**.

***38-савол: Ёлғиз кексаларга ижтимоий-иқтисодий хизматлар доирасида хизмат кўрсатиладими?***

**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга тижорат банкларида ҳисобрақамлар очиш ва маблағларни омонатга

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967



қўйишда, пенсия ва нафақаларни ҳамда имтиёзли транспорт карталарини олишда кўмаклашиш сингари ижтимоий-иқтисодий хизматлар кўрсатилади*.

***39-савол: Ёлғиз кексаларга ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар доирасида қандай хизматлар кўрсатилиши мумкин?***



**Жавоб:** Мамлакатимизда доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар доирасида уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, қонунчиликда белгиланган имтиёзлар, ижтимоий тўловлар ва пенсия таъминотини олиш учун кўмаклашиш ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари билан муносабатларда ёрдам кўрсатиш орқали хизматлар кўрсатилади**.

***40-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга спорт реабилитацияси бўйича хизмат кўрсатиш белгиланганми?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга шифокор кўрсатмасига мувофиқ тегишли спорт анжомларидан, спорт майдончаларида мавжуд инвентарлардан фойдаланишга ва даволовчи бадантар-

* “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

бия машқларини бажаришда кўмаклашиш орқали уларга ижтимоий ғамхўрлик кўрсатилади*.

***41-савол: Ёлғиз кексаларга касбий реабилитация тариқасида қандай хизматлар кўрсатилади?***



**Жавоб:** Мамлакатимизда доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларга касбий реабилитация хизматлари уларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда турли хил тўгараклар ташкил этиш йўли билан амалга оширилади**.

***42-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашда қандай ёрдам кўрсатилади?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта тиклашда жойлардаги "Инсон" ижтимоий хизмат марказлари томонидан туман ички ишлар ва адлия бўлимлари билан ҳамкорликда амалий ёрдам кўрсатилади***.

---

* "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

** "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6946967

*** "Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги 539-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6636282

### ***43-савол: Кекса ёшдаги шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар мавжудми?***

**Жавоб:** Солиқ кодексининг 436-моддасига биноан “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар ҳамда уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар, шу жумладан кекса ёшдаги ёлғиз пенсионерлар ер солиғини тўлашдан озод этилган*.



* Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

***44-савол: Кекса ёшдаги шахслар мол-мулк солиғи бўйича имтиёзга эгами?***



**Жавоб:** Солиқ кодексининг 421-моддасига кўра, “Ўзбекистон Қаҳрамони”, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар, уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар мулкида бўлган мол-мулки солиғини тўлашдан тўлиқ, кекса ёшдаги пенсионерлар эса мол-мулкининг олтмиш квадрат метр қисми доирасида солиқ солишдан озод этилган*.

***45-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож кексаларга маданий-маърифий объектларга кириб-чиқишда имтиёзлар мавжудми?***



**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексалар ва уларни кузатиб борган шахсларга давлат спорт тадбирлари, театрлар ва музейларга кириш бепул этиб белгиланган**.

***46-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи кексаларга яна қандай имтиёзлар белгиланган?***

**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази йўлланмаларига асосан давлатга қарашли бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт

---

* Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (30.12.2019 й. санасида қабул қилинган) Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/4674902

** “Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/uz/docs/6834968



иншоотларида ташкил этилган спорт тўгаракларида бепул шуғулланиш ҳуқуқига эга*. Шунингдек, уларнинг яшаш жойларида дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари томонидан бепул амалга оширилади**.

### *47-савол: Ёлғиз кексаларга ойлик моддий ёрдам пули бериладими?*




**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар учун ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари харид қилиш учун ҳар ойда республикамизда белгиланган минимал истеъмол харажатлар миқдорида (2025 йил 1 август ҳолатида 669 минг сўм) моддий ёрдам пули тўлаб берилади***. Бунда ушбу моддий ёрдам ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексаларга  ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан

---

* "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/uz/docs/6834968

** "Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/uz/docs/6834968

*** "Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 декабрдаги 410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси:  https://lex.uz/docs/6725077

“Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали “проактив шакл”да (алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда) тайинланади[*].

***48-савол: Ёлғиз кексалар темир йўл транспорти ёки шаҳарлараро автобусларда бепул ҳаракатланиш ҳуқуқига эгами?***




**Жавоб:** “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими реестрига киритилган ёлғиз кексалар ва уларга бевосита ҳамроҳлик қилувчи бир нафар шахсга бир йилда бир марта темир йўл транспорти ёки шаҳарлараро автобусда тегишли манзилга бориб-келиш учун бепул чипталар ажратилиши белгиланган[**]. Бунда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва уларга бевосита ҳамроҳлик қилувчи шахс бепул чиптани расмийлаштиришда масъул ходимга ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши шарт[***].

***49-савол: Кекса ёшдаги шахсларга шаҳар йўловчилар транспортидан фойдаланишда имтиёзлар мавжудми?***

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жум-

---

* “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва моддий ёрдамларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6411319#6953688

** “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 декабрдаги 410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6725077

*** “Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг темир йўл транспортида ёки шаҳарлараро автобусда бепул фойдаланиши учун қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 ноябрдаги 733-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/7191475



ласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар, шу жумладан уруш ногиронлари ва уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден, медаллар билан тақдирланган, Афғонистонда ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар бўлмиш кекса ёшдаги шахслар шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга*.

***50-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриши учун карталар қандай тақдим этилади?***




**Жавоб:** “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими реестрига киритилган ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталари берилади. Бундай имтиёздан фойдаланиш учун ёлғиз кексалар давлат хизматлари марказларига ўзи ёки вакили орқали мурожаат этиши ёки электрон ЯИДХПда (www.my.gov.uz) рўйхатдан ўтиши лозим бўлади**.

ЯИДХП орқали талабгор электрон сўровномани тўлдириб тасдиқлайди. Ваколатли орган сўровномани олганидан сўнг имтиёзли транспорт картасини олиш учун мурожаат қилган шахснинг тегишли тоифага киришини масъул ташкилотларнинг ахборот тизимлари орқали ўрганади. Ўрганиш натижасига кўра, ваколатли орган икки иш куни мобайнида имтиёзли транспорт картасини бериш ёки

* “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 278–I-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/39646

** “Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 сентябрдаги 507-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/6197967

унинг берилишини рад этиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда мурожаат қилувчига маълумот юборилади.

### *51-савол: Ёлғиз кексаларнинг йўқолган биометрик паспортлари (ID-карталари)ни алмаштириб бериш тартиби қандай?*



**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига кўра, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кекса шахсларнинг йўқолган биометрик паспортлари (ID-карталари)ни улар реестрга киритилгунига қадар жойлардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг буюртмаси асосида давлат божи ундирилмасдан алмаштириб бериш тартиби белгиланган[*].

### *52-савол: Кекса ёшдаги шахсларга санаторийларда даволаниши учун имтиёзлар мавжудми?*



Мамлакатимизда жойлашган санаторийларда бепул даволаниш учун йўлланмалар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сонли қарорида[**] белгиланган тартибда берилади. Хусусан: уруш ногиронларига тенглаштирилган шахслар; Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭС ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар; ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёши-

---

* “Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 декабрдаги 410-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6725077

** “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5735396

даги шахслар; ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар саноторийга ҳар йили – навбат асосида бепул йўлланма олиши мумкин. Уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга; ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига); I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахсга икки йилда бир маротаба – навбат асосида бундай йўлланма берилади. Ёшга доир пенсия олувчилар уч йилда бир маротаба – навбат асосида ушбу турдаги бепул йўлланмани олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

***53-савол: Санаторийларга бепул йўлланма бериладиган кекса ёшдаги шахслар уни қандай тартибда олиши мумкин?***



**Жавоб:** Бунда ушбу йўлланмани олиш ҳуқуқига эга бўлган кекса ёшдаги шахслар давлат хизматлари маркази ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилиши ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида рўйхатдан ўтиши лозим бўлади*. Рўйхатдан тегишли тартибда ўтилганидан сўнг давлат хизматлари маркази ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази сўровномани ахборот тизимида шакллантиради ва “IHMA Sanatoriy” модулига юборади. Сўровнома ушбу модулда электрон реестрда қайд этилади. Йўлланма расмийлаштирилган тақдирда, тегишли Давлат хизматлари маркази, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, ЯИДХП ва “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимига электрон тарзда юборилади. Келиб тушган йўлланма кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон манзилига юборилади (мавжуд бўлганда) ва улар бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилинади. Мурожаатчи йўлланмани ЯИДХП ёки “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимидаги шахсий кабинетида ҳам юклаб олиши мумкин. Кекса шахс-

* “Аҳолига санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш соҳасига ахборот-технологияларини жорий этиш тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 693-сон қарори. Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/docs/5735396

лар ўзи (ёки ишончли вакили) келиб мурожаат қилганда йўлланма электрон ёки қоғоз шаклида берилади. Йўлланмани бериш рад этилган тақдирда, давлат хизматлари маркази ёки “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан рад этиш сабаблари тўғрисида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар хабардор қилинади.

***54-савол: Кекса ёшдаги шахсларнинг қайси тоифаларига қўшимча пул маблағлари тўлаб берилади?***




**Жавоб:** Амалдаги қонунчилигимизда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган ижтимоий нафақа олувчи кекса ёшдаги шахслар учун ҳар ойда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 100 фоизи миқдорида (2025 йил 1 июль ҳолатида пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 471 000 сўм) қўшимча пул тўлаб берилиши белгиланган*.

***55-савол: Кекса ёшдаги шахслар пойтахт метрополитенидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгами?***



**Жавоб:** 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатиб келинмоқда. Пенсионерлар бундай имкониятдан фойдаланишлари учун пенсия гувоҳномасини метрополитен ходимига кўрсатиши лозим бўлади**.

* “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–58-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/5840291

** “Тошкент метрополитенидан фойдаланишда пенсия олувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 мартдаги ПҚ–94-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://www.lex.uz/docs/6407934

## *56-савол: Маслаҳат суҳбати тарзидаги “Кекса авлод учрашувлари” қандай тартибда ўтказилади?*

**Жавоб:** Барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган кекса авлод вакилларининг бой тажрибасидан фойдаланиш мақсадида улар билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида “Кекса авлод учрашувлари” мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этилади*.



* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/5910513

***57-савол: Фуқароларнинг автотранспорт воситаларини мажбурий суғурта қилишда кекса ёшдагиларга имтиёзлар бериладими?***



**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки партизанлари ёхуд уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек уруш даври меҳнат фронти фахрийлари, концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари ва пенсионерларга суғурта суммасини тўлашда суғурта мукофоти сифатида умумий сумманинг 50 фоизи миқдорида имтиёз берилган*.

***58-савол: Мамлакатимизда “Кексалар ҳафталиги” ўтказилишидан қандай мақсадлар кўзланган?***



**Жавоб:** Мамлакатимизда кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида 2019 йилдан бошлаб, ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланган. Ушбу ҳафталик давомида юртимизда кексаларни эъзозлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келинмоқда**.

* “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ–155-сон Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/1342474

** “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4532381

***59-савол: Кекса ёшдаги шахсларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланган?***




**Жавоб:** Бугунги кунда “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нуронийлар ва зиёлиларни ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктириш орқали улар жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишларига кўмаклашиб келинмоқда[*]. Жумладан, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида ўн нафар уюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктирилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари қарорига биноан “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили ҳамда “Нуроний ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси асосида фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нуронийларни “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш белгиланган[**].

***60-савол: Жойлардаги таълим муассасалари билан ишлашда кекса шахсларнинг имкониятларидан қандай фойдаланиш мумкин?***



**Жавоб:** Барча туман (шаҳар)лардаги бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар жойлардаги таълим муассасаларига бириктирилган бўлиб, ушбу

---

* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513

** “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6404992#6405552

муассасаларда ёшлар билан ишлашда уларнинг бой тажрибасидан унумли фойдаланиб келинмоқда*.

***61-савол: Маҳаллалардаги муаммоли оилалар билан ишлашда кекса ёшдаги шахсларнинг тутган ўрни қандай?***



**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликка кўра, “Нуроний ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси асосида оилалардаги аҳиллик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш мақсадида муаммоли оилаларнинг ҳар бирига “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг бир нафардан аъзоси бириктириб қўйилади**.

***62-савол: Маҳаллаларда фаолият юритиб келаётган “Кексалар маслаҳати” гуруҳи аъзолари фаол меҳнати учун рағбатлантириладими?***



**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳаллаларда фаолият юритаётган “Кексалар маслаҳати” гуруҳи раҳбарлари фаол меҳнати учун “Нуроний” жамғармаси ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида (2025 йил 1 октябрь ҳолатига кўра БҲМнинг 2 баравари – 824 минг сўм) рағбатлантириб борилиши мумкин***.

* “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6404992#6405552

** “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6404992#6405552

*** “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6404992#6405552

***63-савол: “Нуроний” жамғармаси фахрий нуронийлар билан биргаликда қандай тадбирларни амалга оширмоқда?***

**Жавоб:** Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Нуроний” жамғармаси Спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар билан ҳамкорликда қуйидаги тадбирларни амалга ошириб келмоқда:

- фахрий нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар ўртасида “Уч авлод учрашуви”;
- касб-ҳунарга эга бўлмаган, ишсиз ва уюшмаган ёшлар билан юқори натижаларга эришган спортчилар, фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда паралимпия спорт мусобақалари совриндорлари ўртасида “Матонат ва жасорат” тадбирлари ўтказиб келинмоқда[*].

***64-савол: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган кекса ёшдаги шахсларга қўшимча имтиёзлар белгиланганми?***



**Жавоб:** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчи шахслар учун темир йўл транспорти ва авиайўловчилар чипталарини сотиб олишда 50 фоизлик имтиёз белгиланган[**].

---

* “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ–92-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. https://lex.uz/ru/docs/6404992#6405552

** “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги ПФ–213-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/6181114

***65-савол: Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яна қандай чора-тадбирлар белгиланган?***



**Жавоб:** Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги давлат органлари ва муассасаларининг малакали психологлари, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтёрлик (кўнгиллилар) гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, ушбу гуруҳлар ҳар ойда камида бир маротаба уларнинг ҳолидан хабар олиши ва юмушларини ҳал этишда яқиндан амалий ёрдам кўрсатиши белгиланган*.

***66-савол: “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг аъзолари рағбатлантириладими?***



**Жавоб:** Албатта, қонунчиликда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари фаолияти вақти-вақти билан таҳлил қилиниб, таҳлил натижасига кўра, уларнинг энг фаол аъзолари белгиланган тартибда “Меҳнат фахрийси”, “Мўътабар аёл” ва “Маҳалла ифтихори” каби кўкрак нишонлари билан тақдирлаб борилиши белгилаб қўйилган**.

---

* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513

** “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 816-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4532381

### *67-савол: Кексаларнинг ҳолидан хабар олиш бўйича яна қандай чора-тадбирлар белгиланган?*

**Жавоб:** Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада кекса авлод вакилларига кўмак берувчи “Нуронийлар эъзозимизда” кўнгилли патронаж ёшлар гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга зарур ёрдамлар кўрсатиш ҳисобланади*.



* “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 340-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4831767

***68-савол: Кекса авлод вакиллари мамлакат бўйлаб зиёратлар (саёҳатлар)га чиқишлари учун қандай шароитлар яратилган?***



**Жавоб:** Кекса авлод вакилларининг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилишини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили “Кексалар учун туризм ойлиги” ташкил қилинади. Бундан ташқари, республикамизнинг турли ҳудудларига ташриф буюрган кекса авлод вакилларининг саёҳати давомида уларнинг йўналиши бўйлаб ҳар бир туристик ва маданий мерос объектлари ҳамда муқаддас қадамжолар ва уларнинг тарихи ҳақида сўзлаб бериш учун уларга ҳамроҳлик қилиш бўйича туризм соҳасидан яхши хабардор бўлган иқтидорли талабалар орасидан 50 нафардан кам бўлмаган кўнгиллилар (волонтёрлар) рўйхати шакллантирилади ва улар кекса авлод вакилларига саёҳати давомида бириктириб қўйилади*.

***69-савол: Кекса ёшдаги шахслар учун музей ва театрларда тўловга доир имтиёзлар мавжудми?***



**Жавоб:** Кекса авлод вакиллари моддий-маданий мерос объектлари, музей ва театрларга киришида ва бу масканларда уларга кўрсатилган қўшимча хизматлар учун белгиланган сумманинг 50 фоизигача чегирмалар қўлланилади**.

* “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 340-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4831767

** “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 340-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/4831767

***70-савол: Кекса ёшдаги шахслар банк пластик карталаридаги маблағларини нақдлаштирган тақдирда уларга банк хизмати тўловларидан чегирма борми?***




**Жавоб:** Кекса ёшдаги шахсларнинг барча турдаги давлат пенсиялари ва нафақалари банк карталари орқали тўлаб берилганда, уларнинг ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг бир фоизи миқдорида қўшимча тўлов ҳам бирга тўлаб берилади*.

* “Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги ПҚ–198-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/uz/docs/5945359



# IV боб. КЕКСА ЁШДАГИ ШАХСЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ КАФОЛАТЛАРИ

**71-савол: Кекса ёшдаги шахсларнинг даволаниши билан боғлиқ қандай имтиёзлар мавжуд?**



**Жавоб:** 1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар ва уруш қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар, 1941–1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат фронти қатнашчилари ва ваколатли органларда ҳисобда турувчи ёлғиз пенсионерлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш жараёнида овқатланиш тўловидан озод этилган*.

**72-савол: Кекса ёшдаги шахсларнинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориб-келиш билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладими?**



**Жавоб:** Амалдаги қонунчиликда 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига ҳар йили бир марта бориш ва келишда темир йўл транспортида бепул юриш, ҳаво транспортида эса йўл ҳақи қийматининг 50 фоизи миқдорида чегириш тарзидаги имтиёзлар белгиланган**.

* “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги 31-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/2898879

** “Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941 – 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелдаги 100-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/docs/2632147

***73-савол: Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларни соғломлаштириш билан боғлиқ яна қандай имтиёзлар мавжуд?***

**Жавоб:** Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади. Бунда уларни соғломлаштириш билан боғлиқ тўловлар “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади*.

***74-савол: Кекса ёшдаги кам таъминланган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатишда қандай имтиёзлар белгиланган?***



**Жавоб:** “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади. Шу билан бирга, улар учун жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қоплаб берилади.

Шунингдек, оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ 3 ойлик дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммаси компенсация қилинади**.

* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513

** “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513



### *75-савол: Кексаларни соғломлаштиришда яна қандай имтиёзлар мавжуд?*

**Жавоб:** Кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт иншоотларида (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари билан боғлиқ абонемент харажатлари “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда, абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан (2025 йил 1 август ҳолатига БҲМнинг 2 баравари – 824 минг сўм) ошмаган ҳолда спорт йўналишидаги муассасаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади*.

* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513

## 76-савол: Кекса ёшдаги шахсларга яна қандай бепул хизматлар кўрсатилади?



**Жавоб:** Кекса ёшдаги шахсларнинг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Call-маркази”га мурожаатлари асосида ахборот-сервис хизмати доирасида қуйидаги бепул хизматлар кўрсатилади:

- оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорларининг кўригига ёздириш, уларни уйга кўрикдан ўтишга чақириш;
- “Нуроний” жамғармаси хизматларидан фойдаланиш учун буюртма бериш ва рўйхатдан ўтиш;
- жамғарма томонидан ташкил этиладиган профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари бўйича маълумотлар олиш;
- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар тўғрисида маълумотлар олиш;
- маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш*.

## 77-савол: Кекса ёшдагиларга зарур дори ва бошқа воситаларни уйига етказиб бериш хизмати мавжудми?



**Жавоб:** Кекса ёшдаги шахсларнинг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Call-маркази”га мурожаатлари асосида:

* “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги ПҚ–167-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси: https://lex.uz/ru/docs/5910513

- “Нуроний” жамғармаси томонидан дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-аравачаларни уйга етказиб бериш;
- ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига дори воситаларини олиб бериш ҳамда шифокорларнинг тиббий кўрик маълумотларини етказиш;
- кутубхоналарга аъзо бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларга китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа нашрларни етказиш орқали уларга бепул хизматлар кўрсатилади*.

***78-савол: Тиббий ёрдамга муҳтож кексалар учун бепул тиббий кўриклар ўтказиладими?***



**Жавоб:** Албатта, ҳар йили мамлакатимизда тиббий ёрдамга муҳтож кекса шахслар учун тор мутахассислар (невролог, оториноларинголог, уролог, офтальмолог ва бошқалар) ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан иборат таркибда “Тиббиёт автобуси” ташкил этилиб, маҳаллаларда кексаларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирлари амалга оширилади**. Сурункали касалликка чалинган кексалар эса даврий диспансер кўригидан ўтказилади. Шунингдек, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари) ҳамда олис ва чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни, шу жумладан кексаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни

